



## АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.

*Кутбитдинова Мохизул Иноятовна*

ТДИУ доценти,

*Бердиева Жанонахон Жаҳонгир қизи*

"Uzauto Motors Powertrain" Aksiyadorlik jamiyati

Жамоатчилик алоқалалари ва маъмурият масалалари бўйича мутахассис

Хозирги кунда ҳар томонлама ривожланаётган жамият тараққиётини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Жаҳонда ахборот-коммуникация технологиялари ва телекоммуникация тизимлари кун сайин ривожланмоқда. Мамлакатимизда соҳани янада тараққий эттиришга қаратилган бир қатор Ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ушбу сиёсатнинг ижобий натижалари бугунги кунда барча тармоқлар ва соҳаларда, таълим, соғлиқни сақлаш, банк, молия тизими, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ва хусусий тадбиркорлик, умуман барча соҳаларда ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида ИТ – паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган.

Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутувчи "Рақамли Тошкент" комплекс дастури амалга оширилмоқда.

Республикада рақамли индустрияни жадал ривожлантириш, миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" да амалга оширишга оид Давлат дастурининг устувор йўналишлари, мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, Рақамли иқтисодиётни асосий "драйвер" соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш вазифалари белгиланган.<sup>5</sup>

Дастурнинг 100-бандида, Рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш орқали барча аҳоли масканларини ва ижтимоий объектларини ва магистрал автомобиль йўллари кенг полосали уланиш тармоқлари билан қамраб олиш устувор йўналишлар белгилаб берилган. 2022 йил декабрь ойига қадар қўйидаги:

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.



оптик толали алоқа линияларининг умумий узунлигини 170 минг км га етказиш, кенг поласали портлар умумий сони 4 300 мингтага га етказиш, халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўллари 50 фоизини мобил алоқа қамрови билан таъминлаш, Республика бўйлаб, айниқса узоқ аҳоли масканларида, мобил алоқа сифатини яхшилаш мақсадида таянч станцияларини умумий сонини 42 мингтага етказиш, хуудлараро магистрал телекоммуникация тармоқлари ўтказувчанлик қобилиятини вилоятлар даражасида 600 Гбит/с ҳамда туманлар даражасида – 60 Гбит/с кенгайтириш, халқаро пакетли коммутация маркази ўтказувчанлик қобилиятини 3 200 Гбит/с га етказиш, маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини кенгайтириш ҳамда 1 та янги марказни қуриш устувор йўналишлар амалга оширилди.

Дастурнинг 101-бандида, Иқтисодий реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларини рақамлаштириш, автоматлаштириш бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш вазифалар белгиланган. Бунда: молиявий-иқтисодий фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувни оптималлаштириш мақсадида ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш (ERP) тизимлари, саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва диспетчерлик бошқарув жараёнларини (SCADA) автоматлаштириш бўйича тизимлари, савдо ҳажмини ошириш ва мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида буюртмачилар (мижозлар) билан ўзаро муносабатларни бошқариш (CRM) тизимлари, банк хизматлари онлайн турларини кенгайтириш ҳамда кредит ажратиш бўйича таҳлилларни автоматик тарзда амалга ошириш бўйича скоринг тизимларини жорий этилишини инобатга олинди. Тасдиқланган манзилли дастур доирасида белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали иқтисодий реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида фаолиятини рақамлаштириш даражасини 30 фоизга етказиш, иқтисодий реал секторида ва тижорат банклари ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасида 700 нафар мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, Сунъий интеллект мамлакатимизда муваффақиятли амалга ошириш учун “Сунъий интеллект технологияларини 2023 – 2030 йилларда ривожлантириш Стратегияси”ни ишлаб чиқишди.<sup>6</sup>

Шунингдек, 102-бандида дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини 5 баробар, уларнинг экспортини эса 10 баробар ошириб, 500 млн АҚШ долларига етказишда ахборот технологиялари соҳасида, шу жумладан, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, Бухоро вилояти Қорақўл туманида рақамли технологияларга ихтисослаштирилган алоҳида замонавий талабларга жавоб берадиган ахборот технологиялари соҳасида таълимдан ишлаб чиқаришгача бўлган яхлит занжир яратишни кўзда тутувчи ИТ-Кластерлар фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда 2022 – 2026 йилларда вилоят марказларида ахборот коммуникация-технологияларини қўллаш орқали масофавий хизматларни кўрсатиш (ИТ-аутсорсинг) марказларини ташкил этиш вазифалари белгиланган.

<sup>6</sup> "Рақамли Ўзбекистон - 2030" Стратегияси ЎзР. Президентининг 05.10.2020 й. ПФ-6079-сон Фармони



"Рақамли Ўзбекистон – 2030" Стратегияси умумий қоидаларида "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегияси иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Стратегия Ўзбекистон Республикасининг рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингда белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Рақамли инфратузилмани ривожлантириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

– оптик толали алоқа линиялари, халқаро коммутация марказларини модернизация қилиш ва ривожлантириш орқали минтақавий ва халқаро телекоммуникация тармоқларининг, Ўзбекистон Республикасининг чегарадош Марказий Осиё давлатлари билан транзит алоқаларининг ўтказувчанлик қобилиятини кенгайтириб бориш;

– тақдим этилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, резервлаш, тизимларнинг ишончлилигини таъминлаш, шунингдек, аҳоли пунктлари ва ижтимоий объектларни кенг полосали хизматлардан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш учун маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш;

– мобил ва йўлдош алоқа операторларининг инвестицион фаоллигини рағбатлантиришнинг қўшимча механизмларини яратиш;

– мобил алоқа тармоғини 4G ва 5G технологияси бўйича ривожлантириш, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларини бешинчи авлод алоқа тармоғи билан босқичма-босқич қамраб олиш;

– барча аҳоли пунктлари ва ижтимоий объектларни оптик ва мобил кенг полосали хизматлардан фойдаланиш тармоқлари билан қамраб олиш;

– автомагистрал ва темир йўллари, туристик объектларни мобил алоқа тармоқлари билан қоплашни таъминлаш;

– Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш тарифларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш;

– географик жойлашувидан қатъий назар, фуқароларнинг ўсиб бораётган ахборотга эҳтиёжларини қаноатлантириш учун кенг полосали симсиз ва мобил технологияларни янада ривожлантириш;

– истеъмолчиларга телевизион сигнални узатиш, ер усти телевизион эшиттириш, кабель телевидениеси, IP-телевидение, маълумотлар узатиш тармоқлари, мобил алоқа, Интернет технологияларидан фойдаланган ҳолда телерадиоэшиттириш, телевизион ва радио хизматларининг барча турларини тўлиқ қамраб олган ҳолда рақамли эшиттиришни такомиллаштириш;



– "булутли" ҳисоблашлар асосида маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ривожлантириш, фойдаланувчи талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ресурсларига доимий уланишни таъминлаш;

– бозорнинг эркин ривожланиши имкониятини сақлаб, телекоммуникация соҳасини ривожлантириш учун шароитларни яхшилаш, бизнес юритиш ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш учун маъмурий тўсиқларни камайтириш;

– электрон ҳукумат доирасида электрон давлат хизматларидан фойдаланиш учун барча давлат органлари, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини идоралараро маълумотлар узатиш тармоғига улаган ҳолда ушбу тармоқни ривожлантириш;

– мамлакатимиз ҳудудида давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар учун ахборотни сақлаш, қайта ишлаш, ҳимоя қилиш ва электрон давлат хизматларининг фойдаланувчанлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш;

– давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш ва электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида "хизмат сифатида дастурий таъминот", "хизмат сифатида платформа", "хизмат сифатида инфратузилма" технологияларини кенг жорий этиш;

– шаҳар инфратузилмасини бошқаришда рақамли технологияларни жорий этиш орқали транспорт логистикаси, шаҳар инфратузилмаси, шаҳар муҳитининг сифати, шаҳар ривожланишини бошқариш самарадорлиги, жамоат, бизнес ва яшаш жойлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун "ақлли" ва "хавфсиз" шаҳар лойиҳаларини изчил амалга ошириш;

– кенг полосали уланишни ривожлантиришнинг технологик асоси истеъмолчиларга асосий ва қўшимча хизматларни, шу жумладан технологик жараёнларни автоматлаштириш хизматларини, аҳолининг ҳаётини қўллаб-қувватлашда ақлли тизимларни жорий этишнинг бир қисми сифатида индивидуал инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга босқичма-босқич киришни таъминлаш учун ягона инфратузилма ёрдамида мультисервис тармоқларини ривожлантириш;

– мавжуд алоқа (симсиз ва оптик), симли ва симсиз алоқа технологиялари ва тизимлари, шунингдек, янги географик ахборот ва навигация тизимларининг самарадорлигини ошириш йўллариини ўз ичига олган алоқа ва навигация технологияларини ривожлантириш;

– алоқа операторлари ўртасида рақобатни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш рақамли инфратузилмани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинган.<sup>7</sup>

Устувор вазифаларни амалга ошириш борасида бугунги кунда IT-Парк АҚШда ўз ваколатхонасини рўйхатдан ўтказди.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон [Фармони](#).





Ваколатхона IT-Парк резидентлари хизмати ва маҳсулотларини халқаро бозорларда илгари суриш, стартап лойиҳаларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, маҳаллий компаниялар ва фрилансерлар томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг аутсорсларини кўпайтириш мақсадида очилган.

IT-Паркнинг айнан АҚШ ҳудудида очишдан мақсад — миллий маҳсулот ва хизматларимизни АҚШ бозорига олиб чиқиш учун қулай шарт-шароитни яратишдан иборатдир. Вакиллик АҚШда юртимиз компаниялари хизмат ва маҳсулотлари оммабоплигини ошириш, реклама ишларини олиб бориш, буюртмалар топиш, IT-Парк резидентлари ва АҚШлик буюртмачилар ўртасидаги шартномалар имзоланишини рағбатлантиришни ўзига вазифа қилиб олган.

Бундан ташқари, вакиллик икки тараф учун кафолат вазифасини ўтайди — буюртмачи учун бажарилган иш сифати, бажарувчи учун эса, тақдим этилган хизматга яраша ҳақ тўланишини таъминлайди. Бунинг учун жаҳон стандартларига мос келувчи суғурта ва кафиллик тизимлари татбиқ этилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бир қатор IT-Парк резидентлари АҚШ, Европа ва МДХ давлатлари бозорига аллақачон мослашиб улгуришган. Шу ўринда, 2022 йил биринчи ярим йилликда резидентлар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 6,7 миллион доллардан ошган.

Ваколатхонанинг яна бир ўзига хос жиҳати, АҚШ IT бозори билан яқиндан таниш бўлган, АҚШ IT сектори ва ишга алоқадор муносабатлар борасида яхши тажрибага эга бўлган, АҚШ ҳудудида истиқомат қилувчи шахс (АҚШ фуқароси ёки ҳамюртларимиз) танлов асосида вакил этиб тайинланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, IT -Паркнинг АҚШ даги ваколатхонаси хорижий IT буюртмаларни жалб қилиш йўлидаги биринчи қадам бўлади. Келгусида Австралия, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари ва Европа Иттифоқи давлатлари каби мамлакатларда бундай ваколатхоналар очилиши режалаштирилган.<sup>8</sup>

Юқоридагилардан келиб чиқиб, рақамли технологиялар миллий бозорини ривожлантиришда миллий бозори учун қулай муҳитни яратиш ва истиқболли "рақамли" стартапларни ривожлантириш билан бирга IT-парк асосида илғор технологиялардан (Big Data, IoT, AI блокчейн ва бошқалар) фойдаланган ҳолда устувор тармоқлар учун "ақлли ечимлар" ни ишлаб чиқишни рағбатлантириш, IT-паркнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарини очиш орқали маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларининг манфаатларини ифодалаш ҳамда уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илгари суришда янада кўмаклашиш, технопарклар, акселераторлар ва инкубаторларни ҳакатонлар, танловлар ва конференциялар орқали тизимли равишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва грант субсидиялари бериб борилса, рақамли иқтисодиёт миллий иқтисодиётнинг асосий драйверига айланади.

<sup>8</sup> [Вокеалар \(ictfund.uz\)](http://vokealar.ictfund.uz)



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистон - 2030" Стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6079-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5099-сон фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда ўзбекистон республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги 318-сон қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида"ги 356-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4699-сон қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" 22.08.2022 йилдаги ПҚ-357-сон қарори.